ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШаРИПОВ ХУРШИД ФАЗЛИДДИНОВИЧ

СУБМЕРСИЯЛАРНИНГ АКСЛАНТИРИШЛАР ГРУППАСИГА НИСБАТАН ДИФФЕРЕНЦИАЛ ИНВАРИАНТЛАРИ

01.01.04 – Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2021

УДК: 514.763.2

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГаШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВ ХУРШИД ФАЗЛИДДИНОВИЧ

СУБМЕРСИЯЛАРНИНГ АКСЛАНТИРИШЛАР ГРУППАСИГА НИСБАТАН ДИФФЕРЕНЦИАЛ ИНВАРИАНТЛАРИ

01.01.04 – Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/FM227 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-fizmat.nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Нарманов Абдигаппар Якубович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Мищенко Александр Сергеевич** физика-математика фанлари доктори
	Рахимов Абдуғофур абдумажидович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**“ММФИ” миллий тадқиқот ядро университети Тошкент шаҳридаги филиали**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___»_________ соат_____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2021 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор,
академик

Н.К. Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

Р.Б.Бешимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида фундаментал фанлар соҳасида олиб борилаётган кўпгина илмий-амалий тадқиқотлар замонавий геометрик масалалари хусусан дифференциал инвариантлар назарияси масалаларини тадқиқ қилишга келтирилади. Феликс Клейн ўзининг Эрланген дастурида, турли геометрияларнинг таснифи учун ягона фикрни олға сурди. Бу дастурга кўра, геометриянинг асосий вазифаси геометрик обьектларнинг, шу геометрияни аниқловчи акслантиришлар группасига нисбатан инвариантларини қуришдан иборат. Шунинг учун бир параметрли акслантиришлар группасининг инвариантларини топиш, субмерсияларнинг акслантиришлар группасига нисбатан дифференциал инвариантларини топиш геометрия ва топологияда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда дифференциал геометрия ва дифференциал инвариантлар назариясининг актуал масалаларидан бири субмерсияларнинг дифференциал инвариантларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Дифференциал инвариант тушунчаси инвариант дифференциаллаш тушунчаси билан бир қаторда замонавий геометрияда асосий ўринни эгаллайди. Максимал рангли дифференциалланувчи акслантиришлар математиканинг турли соҳаларида, хусусан, риман геометриясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада, максимал рангли дифференциалланувчи акслантиришларнинииг муҳим синфи ҳисобланган субмерсиялар геометриясини таснифлаш, бир параметрли акслантиришлар группасининг инвариантларини топиш, субмерсияларнинг акслантиришлар группасига нисбатан дифференциал инвариантларини топишга алоҳида эьтибор берилмоқда.

Мамлакатимизда математиканинг фундаментал ва амалий тадбиқига эга бўлган геометрия ва топологиянинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, сўнги йилларда дифференциал геометрия замонавий математиканинг қадимий ташкил этувчиси сифатида замонавий математика масалаларини ечишга оид салмоқли натижаларга эришилди. “алгебра, динамик тизимлар назарияси, геометрия ва топология” фанларининг устувор йўналишлари бўйича ҳалқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият этиб белгиланди [1] . Бу борада акслантиришлар группасининг дифференциал инвариантларини топиш, субмерсияларнинг дифференциал инвариантларини топиш жиддий аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 Фармони, 2019 йил 9 июлдаги “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сонли қарори.

томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4387-сонли ва 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таьлим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708 сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Субмерсиялар замонавий Риман геометриясининг кўплаб соҳаларида қўлланилганлиги учун, субмерсияларнинг дифференциал инвариантларини ўрганиш жуда самаралидир. Риман субмерсияларининг фундаментал хоссалари, хусусан эгрилик хоссалари ва фундаментал тенгламалари J. Cheeger, D. Gromoll, R. Hermann ишларида ўрганилган. Е.Виттеннинг ишларидаги квант майдонлар назариясида, В.В.Лычагиннинг ишларидаги геометрик квантлаш масалаларида ва а.М.Виноградов, В.В.Личагин, Л.В.Овсянниковларнинг ишларидаги чизиқли бўлмаган дифференциал тенгламаларнинг геометрик назариясида дифференциал инвариантларнинг қўлланилганлиги сабабли уларни ўрганишга қизиқиш ортди.

В.М.Кузаконнинг ишларида текисликдаги субмерсияларнинг ҳаракатлар группасига нисбатан дифференциал инвариантлар тўлиқ системаси келтирилган. Бундан ташқари, юқори тартибли ҳар қандай дифференциал инвариантларнинг, иккинчи тартибли дифференциал инвариантларни инвариант вектор майдонлар бўйлаб дифференциаллаш орқали ҳосил қилиш мумкинлиги кўрсатилган. И.С. Стрельцованинг ишларида Евклид ёки Минковский метрикаси киритилган текисликдаги эгри чизиқнинг R-конформ акслантиришларга нисбатан скаляр дифференциал инвариантлари алгебраси структураси тавсифланган. Бундан ташқари де Ситтер текислиги ҳаракатлари группасига нисбатан дифференциал инвариантлар алгебраси тузилган. Бу алгебрани битти иккинчи тартибли дифференциал инвариант ва иккита инвариант дифференциаллаш ёрдамида ҳосил қилиш мумкин. Де Ситтер текислиги ҳаракатларига нисбатан регуляр эгри чизиқларнинг эквиваленлиги ҳақидаги теорема исботланган. Хос ҳаракатлар группасининг махсус орбиталари тавсифланган.

Ҳозирги вақтда субмерсия тушунчаси ва субмерсиялар геометриясини ўрганиш бўйича асосий натижалар Риман геометрияси бўйича дарсликларга киритилган бўлиб, улар нафақат геометрияда, балки механика, назарий физика, нисбийлик назарияси каби фанларда қўлланилади. Субмерсияларнинг физика ва механикада қўлланилиши италиялик олимлар M. Falcitelli, A. M. Pastore, S. Ianus асарларида ўрганилган. Олимларимиз профессор А.Я. Нарманов ва унинг шогирдлари А. Байтураев, Г.

Каипназароваларнинг тадқиқотларида Евклид фазосида риман субмерсиялари ҳосил қилган қатламаларнинг тўлиқ классификацияси келтирилган ва қатламларнинг секцион эгрилиги билан боғлиқ геометрик хусусиятлари ўрганилган. А. С. Шарипов ишларида эса субмерсиялар ҳосил қилган қатламалар изометриялари группаси тадқиқ этилган. Б.А.Турсунов ишларида эгрилиги манфий бўлмаган кўпхилликларда Риман субмерсиялари геометрияси ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг MRU-10/2017 “Геометрик ва аналитик методларнинг дифференциал ўйинлар ва бошқарув назарияси масалаларида ривожлантириш” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади субмерсияларнинг бир параметрли акслантиришлар группасига нисбатан ва конформ вектор майдон оқими ҳосил қилган акслантиришлар группасига нисбатан дифференциал инвариантларини топишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилар:

Бир параметрли акслантиришлар группасининг юқори тартибли дифференциал инвариантларини топиш;

Субмерсияларнинг конформ аклантиришлар группасиги нисбатан иккинчи тартибли дифференциал инварианларини топиш;

Риман субмерсияларининг сатҳ тўпламлари ўзаро изометрик эканлигини исботлаш;

Минковский фазосида субмерсияларнинг ҳаракатлар группасига нисбатан иккинчи тартибли дифференциал инвариантларини топиш.

Тадқиқот объекти субмерсияларнинг дифференциал инвариантлари, конформ вектор майдонлар, Ли алгебралари.

Тадқиқотнинг предмети субмерсиялар геометрияси, конформ вектор майдонлар хоссалари, бир параметрли акслантиришлар группасига нисбатдан субмерсиянинг дифференциал инвариатларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида дифференциал геометрия, дифференциал топология, риман геометрияси ва қатламалар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ихтиёрий бир параметрли группанинг нолинчи тартибли инвариантларини билган ҳолда юқори тартибли дифференциал инвариантини топиш усули топилган;

секцион эгрилии нолга тенг кўпхилликда риман субмерсияси ҳосил қилган қатламанинг қатламлари ўзаро изометрик бўлган тўла геодезик риман қатламаси бўлиши исботланган;

агар метрик функциянинг ҳар бир критик сатх тўпламлари нуқта ёки регуляр сирт ва улар ўзаро ажралган бўлса, у ҳолда бу метрик функциянинг сатх тўпламлари ўзаро конформ эквивалент эканлиги исботланган;

конформ вектор майдон оқими ҳосил қилган акслантиришлар группасига нисбатан, субмерсиянинг сатҳ тўплами бош эгриликлари нисбати субмерсиянинг иккинчи тартибли дифференциал инварианти бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Субмерсияларнинг дифференциал инвариантлари бўйича тадқиқот натижалари вектор майдонлар оиласининг орбиталарини топишда ва дифференциал геометриянинг эквивалентлик масалаларини тадқиқ қилишда амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Риман геометрияси, дифференциал топология ва дифференциал геометрия методлари, ҳамда математик фикрлашнинг қатъийлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, субмерсиялар сатҳ тўпламларининг бош эгриликлари нисбати, конформ вектор майдон оқими ҳосил қилган акслантиришлар группасига нисбатан иккинчи тартибли дифференциал инвариант бўлиши исботланганлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, дифференциал инвариантлар ва риман субмерсиялари геометриясини ўрганиш, сиртларнинг ва қатламалар ва субмерсиялар ёрдамида берилган қатламали кўпхилликлар қатламларининг дифференциал инвариантларини топишда ва тўла дифференциал геометриянинг масалаларида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Субмерсияларнинг дифференциал инвариантлари бўйича олинган диссертация натижалари қуйидаги илмий-тадқиқот лойиҳаларида қўлланилган:

Субмерсияларнинг акслантиришлар группасига нисбатан дифференциал инвариантлари Ф-4-42 рақамли “Яримаддитив $\tau-$ узлуксиз Радон функционаллари фазоси кардинал ва топологик хоссалари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада топологик фазоларнинг топологик, алгебраик ва функционал инвариантлари орасидаги боғланишни аниқлашда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 19 апрелдаги № 04/11-2126 сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши топологик фазоларнинг топологик, алгебраик ва функционал инвариантлари орасидаги боғланишни аниқлаш, хусусан сиртлар ва улардаги дифференциал операторларининг дифференциал инвариантларини топиш имконини берган;

Бир параметрли акслантиришлар группасининг юқори тартибли дифференциал инвараинларини топишга доир илмий натижалар R.J130000.7854.5F235 рақамли илмий тадқиқот лойиҳасида хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларнинг инвариант ечимларини топишда фойдаланилган (Малайзия Технологиялар Университетининг 2021 йил 29 мартадаги маьлумотномаси). Илмий натижаларнининг қўлланилиши хусусий ҳосилали тенгламалар билан аниқланувчи динамик системаларнинг ечимлар фазоларини ўрганиш имконини берган, хусусан, дифференциал инвариантларни топиш усуллари хусусий ҳосилали тенгламаларни оддий дифференциал тенгламаларга келтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та Халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация кириш қисм, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида диссертация мавзусига оид долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда Ўзбекистон Миллий Университети илмий тадқиқотлари билан боғлиқлиги келтирилган.

Тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Ли группалари ва уларнинг инвариант функциялари» деб номланган бўлиб, у учта параграфдан ташкил топган. Мазкур бобда диссертацияда ишлатиладиган асосий тушунча ва ёрдамчи фактлар келтирилган.

Ли группалари бир томондан алгебраик группа тушунчасини, иккинчи томондан эса, кўпхилликнинг дифференциал-геометрик тушунчасини мужассамлаштиради. Бу эса, чекли группалар учун ишлатиб бўлмайдиган, симметриялар группасини тадқиқ этиш учун мухим бўлган техника юзага келишига сабаб бўлди. абстракт группа таьрифини келтиришдан бошлаймиз.

Ли группаларининг фарқли тарафи шундаки, у силлиқ кўпхиллик структурасига ҳам эга бўлиб, унинг элементларини узлуксиз равишда ўзгартириш мумкин.

Таьриф 1.1.2. r – параметрли Ли группаси – бу r – ўлчовли силлиқ кўпхиллик структурасига эга бўлган Ли группаси бўлиб, группа амали

$m : G \times G \to G,\ m(g,h) = g \cdot h,\ g,h \in G$ ҳам, тескари элемент амали $i : G \to G,\ i(g) = g^{-1},\ g \in G$ ҳам кўпхилликнинг силлиқ аксlантириши бўлади.

Энди бир параметрли акслантиришлар оилага тегишли бўлган

$$f^t : M \to M,\ f^t(x) = \left(f_1^t, f_2^t, ..., f_n^t\right),$$

акслантиришни кўриб чиқамиз, бунда $t-$ ҳақиқий параметр. агар f^t акслантиришлар тўплами G

$$f^0(x) = x,\ f^{t_1}(x) f^{t_2}(x) = f^{t_1+t_2}(x),\ \left(f^t\right)^{-1} = f^{-t}$$

шартларни қаноатлантирса, бир параметрли группа дейилади

Бу f_i^t функцияларни t параметр бўйича, $t = 0$ нуқта атрофида Тейлор қаторига ёямиз ва $f_i^0 = x_i$ эканлигини ҳисобга олиб чексиз кичик акслантиришни қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз

$$f_i^t \approx x_i + \xi_i t + o\left(t^2\right),\ \text{бунда}\ \xi_i = \left.\frac{df_i^t}{dt}\right|_{t=0}.$$

Ҳар бир $\xi = (\xi_1, \xi_2, ..., \xi_n)$ вектор, f^t акслантиш нуқталари образлари ёрдамида тавсифланувчи эгри чизиқнинг уринма вектори бўлади. Бу вектор майдон биринчи тартибли дифференциал оператор кўринишида ҳам ёзилиши мумкин:

$$X = \sum_{i=1}^{n} \xi_1 \frac{\partial}{\partial x_i}.$$

Бу вектор майдон G бир параметрли акслантиришлар группасининг инфинитезимал ясовчиси дейилади. агар G группа $k-$ўлчовли Ли группаси бўлса, у ҳолда группа k та инфинитезимал ясовчиларга (вектор майдонларга) эга бўлади.

Вектор майдонлар устидаги амаллар ичида муҳимларидан бири бу-уларнинг Ли қавси ёки коммутаторидир. Бу амални дифференциаллаш опреатори сифатида киритиш осонроқ бўлади. агар $X, Y-$ вектор майдонлар M кўпхилликда аниқланган бўлса, уларнинг Ли қавси $[X, Y]-$ барча $f : M \to R$ силлиқ функциялар учун

$$[X,Y](f) = X\left(Y(f)\right) - Y\left(X(f)\right). \qquad (1.1.5)$$

шартни қаноатлантирувчи ягона вектор майдондир.

агар $X, Y-$ вектор майдонлар локал координаталарда

$$X = \sum_{i=1}^{m} \xi^i(x) \frac{\partial}{\partial x^i},\ Y = \sum_{i=1}^{m} \eta^i(x) \frac{\partial}{\partial x^i},$$

кўринишга эга бўлса, уларнинг Ли қавси

$$[X,Y] = \sum_{i=1}^{m} \left\{X\left(\eta^i\right) - Y\left(\xi^i\right)\right\} \frac{\partial}{\partial x^i} = \sum_{i=1}^{m}\sum_{j=1}^{m} \left\{\xi^j \frac{\partial \eta^i}{\partial x^j} - \eta^j \frac{\partial \xi^i}{\partial x^j}\right\} \frac{\partial}{\partial x^i}. \qquad (1.1.6)$$

кўринишда бўлади.

Таьриф 1.1.3. Ли алгебраси деб, қуйидаги шартланни қаноатлантирувчи, алгебранинг Ли қавси деб аталувчи,

$$[\cdot,\cdot]: L\times L\to L,$$

бичизиқли форма аниқланган L вектор фазога айтилади:

(a) Бичизиқлилик:

$$[aX+bY,Z]=a[X,Z]+b[Y,Z],$$
$$[X,aY+bZ]=a[X,Y]+b[X,Z],$$

бунда $a,b\in R-$ ўзгармаслар.

(b) Кососимметриклик:

$$[X,Y]=-[Y,X].$$

(c) Якоби айтияти:

$$[X,[Y,Z]]+[Z,[X,Y]]+[Y,[Z,X]]=0$$

барча $X,Y,Z\in L$ лар учун.

M кўпхилликда аниқланган барча силлиқ вектор майдонлар тўплами (1.1.6) тенглик билан аниқланган Ли қавсига нисбатан Ли алгебрасини ташкил этади. агар G группа k параметрли группа бўлса, у ҳолда бу группанинг инфинитезимал ясовчилари тўплами k ўлчовли Ли алгебрасини ташкил этади.

Таьриф 1.2.1. M кўпхилликда G акслантиришлар группаси берилган бўлсин. агар барча $x\in N$ и $g\in G$ лар учун, $g\cdot x\in N$ шарт ўринли бўлса, $N\subset M$ қисм туплам $G-$ инвариант, G группа эса N қисм тўпламнинг симметриялар группаси дейилади.

Таьриф 1.2.2. M кўпхилликда G акслантиришлар группаси берилган бўлсин. агар барча $x\in M$ ва $g\in G$ лар учун, $I(g\cdot x)=I(x)$ ўринли бўлса, $I:M\to R$ функция $G-$инвариант функция дейилади.

Қуйидаги теоремалар ўринли [6],[63]**Ошибка! Источник ссылки не найден.**.

Теорема 1.2.1. агар G группа M кўпхилликда аниқланган группа, $I:M\to R-$ силлиқ функция бўлсин. I функция $G-$ инвариант функция бўлиши учун ҳар бир $\{x: I(x)=c\}, c\in R,$ сатҳ тўплам M кўпхилликнинг $G-$инвариант қисм тўплами бўлиши зарур ва етарли.

Теорема 1.2.2. G группа M кўпхиллик алмаштиришларидан иборат группа бўлсин. Ҳақиқий қийматли $I:M\to R$ функция G группанинг инвариант функцияси бўлиши учун, G группанинг ҳар бир X инфинитезимал ясовчиси ва барча $x\in M$ лар учун

$$X(I)=0 \qquad (1.2.1)$$

тенглик бажарилиши зарур ва етарли.

Агар $X_1,...,X_r$ ясовчилар G группанинг инфинитезимал ясовчилар Ли алгебрасининг базисини ташкил этса, у ҳолда 1.2.2-теорема, $I(x)-$ функция фақат ва фақат $X_k(I)=0, k=1...r$ тенгликлар ўринли бўлсагина инвариант функция бўлишини таькидлайди. Локал координаталарда

$$X_k = \sum_{i=1}^{m} \xi_k^i(x) \frac{\partial}{\partial x^i},$$

эканлигидан I функция чизиқли, бир жинсли, биринчи тартибли хусусий ҳосилали тенгламалар сиситемасининг ечими бўлиши келиб чиқади

$$X_k(I) = \sum_{i=1}^{m} \xi_k^i(x) \frac{\partial I}{\partial x^i} = 0,\ k = 1,\dots,r. \qquad (1.2.2)$$

Ушбу $f, g : M \to B$ акслантиришлар $f(p) = g(p) = q$ шартни қаноатлантирувчи силлиқ акслантиришлар бўлсин.

1) Агар $T_pM \to T_pB$ акслантириш сифатида $(df)_p = (dg)_p$ бўлса, f акслантириш g билан p нуқтада биринчи тартибли уринмага эга бўлади.

2) Агар $(df): TM \to TB$ акслантириш (dg) акслантириш билан T_pM нинг ҳар бир нуқтасида $(k-1)$ тартибли уринмага эга бўлса, f акслантириш g билан p нуқтада $k-$ тартибли уринмага эга бўлади. Бу маьлумот қуйидагича ёзилади: p нуқтада $f \sim_k g$ ($k-$мусбат сон).

Ушбу $J^k(M,B)_{p,q}$ тўплам сифатида, $f(p) = q$ шартни қаноатлантирувчи $f : M \to B$ акслантиришлар фазосидаги " p нуқтада $\sim_k$ " муносабат билан аниқланган эквивалентлик синфини белгилаймиз.

$J^k(M,B) = \bigcup_{(p,q)\in M\times B} J^k(M,B)_{p,q}$ белгилаш киритамиз. Маьлумки, бу тўплам $n + m\sum_{i=0}^{k} C_{n+i-1}^{i}$ ўлчовли силлиқ кўпхиллик бўлади [**Ошибка! Источник ссылки не найден.**].

Таьриф 1.3.1. Ушбу $J^k(M,B)$ кўпхиллик $k-$ жет фазо деб аталади [37].

G группанинг M даги таъсири $J^k(M,B)$ фазода таьсирни ҳосил қилади. Бу таьсир G группа таьсирининг $J^k(M,B)$ даги $k-$ давоми дейилади. G группа таьсирининг $k-$ давомининг инфинитезимал ясовчиси, группа инфенитезимал ясовчисининг $J^k(M,B)$ даги $k-$ давоми ҳисобланади.

Таьриф 1.3.2. $M \subset U \times V$ очиқ тўплам бўлсин. $X-$ вектор майдон M да аниқланган G_t бир параметрли группаниг инфинетизимал ясовчиси бўлсин. У ҳолда, $M^{(n)}$ $n-$ жет фазода аниқланган мос бир параметрли группа $G_t^{(n)}$ нинг инфинитезимал ясовчиси $X-$ вектор майдоннинг $n-$ давоми дейилади ва $X^{(n)}$ каби белгиланади.

Қуйидаги теорема ўринли [63].

Теорема 1.3.1. Қуйидаги

$$X = \sum_{i=1}^{p} \xi^i(x,y) \frac{\partial}{\partial x^i} + \sum_{\alpha=1}^{q} \varphi_\alpha(x,y) \frac{\partial}{\partial y^\alpha}$$

$-$вектор майдон, $M \subset U \times V$ очиқ қисмтўпламда аниқланган бўлсин. У ҳолда $X-$ вектор майдоннинг $n-$ давоми $M^{(n)} \subset (U \times V)^{(n)}$ жет фазода аниқланган

$$X^{(n)} = X + \sum_{\alpha=1}^{q} \sum_{J} \varphi_{\alpha}^{J} \left(x, y^{(n)} \right) \frac{\partial}{\partial y_J^{\alpha}}, \qquad (1.3.4)$$

вектор майдон бўлади, бунда иккинчи йиғинди барча $J = \left(j_1, ..., j_k \right), 1 \le j_{\chi} \le p, 1 \le k \le n$ мултииндекс бўйича олинади. $V^{(n)}$ даги φ_{α}^{J} функциялар қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\varphi_{\alpha}^{J} \left(x, y^{(n)} \right) = D_J \left(\varphi_{\alpha} - \sum_{i=1}^{p} \xi^i y_i^{\alpha} \right) + \sum_{i=1}^{p} \xi^i y_{J,i}^{\alpha}, \qquad (1.3.5)$$

бунда $y_i^{\alpha} = \dfrac{\partial y^{\alpha}}{\partial x^i}$ ва $y_{J,i}^{\alpha} = \dfrac{\partial y_J^{\alpha}}{\partial x^i}$.

Таьриф 1.3.3. Очиқ $M \subset U \times V$ қисм тўпламда аниқланган $G-$ акслантиришлар группаси берилган бўлсин. G группанинг $n-$ тартибли дифференциал инварианти $I : M^{(n)} \to R$ силлиқ функция бўлиб, $I\left(g^{(n)} \cdot \left(x, y^n \right) \right) = I\left(x, y^n \right), \left(x, y^n \right) \in M^{(n)}, \mathrm{g} \in \mathrm{G}$ тенгликни қаноатлантиради.

Қуйидаги теорема ўринли [63].

Теорема 1.3.2. $G-$ акслантиришлар группаси $M \subset R^2$ тўпламда аниқланган бўлсин. Фараз қилайлик, $I_1 = I_1\left(x, y^n \right)$ ва $I_2 = I_2\left(x, y^n \right)$ функциялар G группанинг $n-$ тартибли дифференциал инвариантлари бўлсин. У ҳолда қуйидаги

$$\frac{dI_2}{dI_1} = \frac{dI_2/dx}{dI_1/dx} \equiv \frac{D_x I_2}{D_x I_1} \qquad (1.3.7)$$

ҳосила G группанинг $n+1-$ тартибли дифференциал инварианти бўлади.

Диссертациянинг «Бир параметрли акслантиришлар группасининг дифференциал инвариантлари» деб номланган иккинчи боби иккита параграфдан ташкил топган. Ушбу бобда субмерсияларнинг бир параметрли акслантиришлар группасига нисбатан дифференциал инвариантлари топилган.

Ушбу $(M, g)-$ силлиқ, боғланишли n ўлчовли Риман кўпхиллиги бўлсин. Бу ерда g - риман метрикаси.

Таьриф 2.1.1. Ушбу $\pi : M \to B$ максимал рангли дифференциалланувчи акслантириш, $n > m$ шарт бажарилганда субмерсия дейилади, бунда $B-$ m ўлчовли силлиқ Риман кўпхиллиги.

Субмерсиялар геометриясини кўплаб муаллифлар томонидан ўрганилган, хусусан [76],[78].

Субмерсия ранги ҳақидаги теоремага асосан M кўпхилликда қатламлари $L_p = \{ q \in M : f(q) = p \}$ □ тўпламларнинг боғланишлилик компоненталаридан иборат $k = n - m$□ ўлчамли қатлама ҳосил бўлади.

Қатлам L_p нинг q нуқтасидаги уринма фазони T_qF орқали, T_qF қисм фазо ортогонал тўлдирувчисини H_qF орқали белгиласак, натижада уринма қатлама $TM=\left\{T_qM\right\}$ нинг қисм қатламалари $TF=\left\{T_qF\right\}, HF=\left\{H_qF\right\}$ ҳосил бўлиб, $TM=TF\oplus HF$ ортогонал йиғиндига эга бўламиз. Натижада ҳар бир X вектор майдон $X=X^v+X^h$ кўринишда тасвирланади, бунда $X^v\in TF,\ X^h\in HF$. агар $X^h=0$ (мос ҳолда $X^v=0$) бўлса, у ҳолда X вектор майдонга вертикал (мос ҳолда горизонтал) вектор майдон дейилади.

Ҳар қандай $u\in T_pB$ вектор ва ихтиёрий $q\in L_p$ нуқта учун шундай $h\in H_qF$ вектор мавжудки $df_p(h)=u$ бўлади. h вектор u векторнинг q нуқтадаги горизонтал кўтарилиши дейилади. B даги X вектор майдон учун ҳар бир q нуқтадаги қиймати $X_{f(q)}$ векторнинг горизонтал кўтарилиши бўладиган M даги $\overline{X}$ вектор майдон X вектор майдоннинг горизонтал кўтарилиши дейилади.

Таьриф 2.1.2. Агар $\pi: M\to B$ субмерсия дифференциали $d\pi$ горизонтал векторларнинг узунлигини сақласа, у риман субмерсияси деб аталади.

Қуйидаги

$$\pi: M\to R \qquad (2.1.1)$$

субмерсия ва бу субмерсия ҳосил қиладиган F қатламани кўриб чиқамиз.

Қуйидаги теорема иккинчи боб биринчи параграфининг асосий натижасиларидан биридир.

Теорема 2.1.1. Секцион эгрилиги нолга тенг бўлган силлиқ, боғланишли, тўла риман кўпхиллиги M берилган бўлсин. агар (2.1.1) риман субмерсияси бўлса, у ҳолда $F-$ қатламлари изометрик бўлган тўла геодезик риман қатламаси бўлади.

Таьриф 2.1.3. агар

$$f: M\to R \qquad (2.1.7)$$

дифференциалланувчи функция учун $X\,|\,gradf\,|^2=0$ шарт ҳар бир X вертикал вектор майдон учун бажарилса, f функция метрик функция дейилади [16].

Функциянинг бирорта сатҳ тўпламига критик нуқта тегишли бўлса, бу сатҳ тўплами критик сатҳ тўплами дейилади.

Фараз 2.1.1. Берилган $f: M\to R$ функциянинг **ҳ**ар бир критик сатҳ тўпламлари ёки нуқта, ёки ўзаро ажралган регуляр сиртлар бўлсин.

Теорема 2.1.2. Ушбу $f: R^n\to R$ метрик функция учун 2.1.1 фараз ўринли бўлсин. У ҳолда бу функциянинг сатҳ тўпламлари ўзаро конформ эквивалент бўлади.

Икинчи бобнинг иккинчи параграфида бир параметрли группанинг дифференциал инвариантларини топиш усули келтирилган.

Ушбу $G-$ группа иккита u,v эркли ва учта эркcиз x_1,x_2,x_3 ўзгарувчили фазода аниқланган аксалантиришлар Ли группаси ва қуйидаги вектор майдон

$$X=\xi_1(u,v,x)\frac{\partial}{\partial u}+\xi_2(u,v,x)\frac{\partial}{\partial v}+\sum_{i=1}^{3}\eta_i(u,v,x)\frac{\partial}{\partial x_i} \qquad (2.2.1)$$

G группанинг инфинитиземал ясовчиси бўлсин.

Қуйидаги

$$X(F)=1. \qquad (2.2.2)$$

тенгламанинг илдизлари бўлган $F_1(u,x)$ ва $F_2(v,x)$ функцияларни кўриб чиқамиз.

Ушбу $I_1(u,v,x)$, $I_2(u,v,x)$ ва $I_3(u,v,x)$ функциялар группанинг функционал эркли инвариант функциялари бўлсин, яьни улар қуйидаги тенгламаларни қаноатлантирсин

$$X(I_i)=0, i=1,2,3. \qquad (2.2.3)$$

$D^k(F)$ сифатида k тартибли $D_s^k+D_t^k(F)$ ҳосилаларни белгилаймиз.

Теорема 2.2.1. Фараз қилайлик I_1,I_2,I_3 функциялар G группанинг эркли инвариантлари, $F_1(u,x)$ ва $F_2(v,x)$ функциялар $X(F)=1$ тенгламани қаноатлантиррсин. У ҳолда $I_i(u,v,x)$ ва $D^k(I_i)$ функциялар $k-$ тартибли дифференциал инвариантлар бўлади.

Диссертациянинг «Субмерсияларнинг дифференциал инварианлари» деб номланган учинчи бобида субмерсияларнинг конформ акслантиришлар группасиги нисбатан дифференциал инвариантлари ўрганилган.

M ва B мос равишдв n ва m ўлчовли силлиқ риман кўпхиллиги бўлсин.

Энди $f:R_1^3\to R$ субмерсияни кўриб чиқамиз, бунда R_1^3- уч ўлчовли Минковский фазоси. Эслатиб ўтиш жоизки, бу ҳолда метрика қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$ds^2=-\left(dx_1\right)^2+\left(dx_2\right)^2+\left(dx_3\right)^2.$$

Қуйидаги вектор майдонлар билан ҳосил бўлган G группани қараймиз

$$X_1=\frac{\partial}{\partial x_1},\ X_2=\frac{\partial}{\partial x_2},\ X_3=\frac{\partial}{\partial x_3}, \qquad (3.1.3)$$

$$X_4=x_2\frac{\partial}{\partial x_1}+x_1\frac{\partial}{\partial x_2}, \qquad (3.1.4)$$

$$X_5=x_3\frac{\partial}{\partial x_1}+x_1\frac{\partial}{\partial x_1}, \qquad (3.1.5)$$

$$X_6=-x_3\frac{\partial}{\partial x_2}+x_2\frac{\partial}{\partial x_1}, \qquad (3.1.6)$$

$$X_7=h(u)\frac{\partial}{\partial u},h(u)\in \mathrm{C}^\infty\left(R\right). \qquad (3.1.7)$$

Қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 3.1.1. $f: R_1^3 \to R$ субмерсиянинг Минковский фазосининг ҳаракатлари группаси G га нисбатан иккинчи тартибли дифференциал инвариантлари қуйидаги функциялар бўлади ($B \neq 0$ бўлса):

$$I_1 = H^2 = \frac{D^2}{B^3}, I_2 = K = \frac{F}{B^2},$$

$$I_3 = H^2 + \frac{AD + BC}{B^2}, I_4 = HK - \frac{(AF - BE)^2}{B^5},$$

бунда,

$$A = -p_{11} + p_{22} + p_{33}, B = -p_1{}^2 + p_2{}^2 + p_3{}^2,$$

$$C = \begin{vmatrix} p_{11} & p_{12} \\ p_{12} & -p_{22} \end{vmatrix} + \begin{vmatrix} p_{11} & p_{13} \\ p_{13} & -p_{33} \end{vmatrix} + \begin{vmatrix} p_{22} & p_{23} \\ p_{23} & p_{33} \end{vmatrix},$$

$$D = \begin{vmatrix} -p_{11} & -p_{12} & p_1 \\ -p_{12} & -p_{22} & p_2 \\ p_1 & p_2 & 0 \end{vmatrix} + \begin{vmatrix} -p_{11} & -p_{13} & p_1 \\ -p_{13} & -p_{33} & p_3 \\ p_1 & p_3 & 0 \end{vmatrix} + \begin{vmatrix} p_{22} & p_{23} & p_2 \\ p_{23} & p_{33} & p_3 \\ p_2 & p_3 & 0 \end{vmatrix},$$

$$E = \begin{vmatrix} p_{11} & p_{12} & p_{13} \\ p_{12} & -p_{22} & -p_{23} \\ p_{13} & -p_{23} & -p_{33} \end{vmatrix},$$

$$F = \begin{vmatrix} p_{11} & p_{12} & p_{13} & p_1 \\ p_{12} & p_{22} & p_{23} & p_2 \\ p_{13} & p_{23} & -p_{33} & -p_3 \\ p_1 & p_2 & -p_3 & 0 \end{vmatrix}.$$

Уч ўлчовли Евклид фазосида

$$X = x_1 \frac{\partial}{\partial x_1} + x_2 \frac{\partial}{\partial x_2} + x_3 \frac{\partial}{\partial x_3} \qquad (3.2.1)$$

конформ вектор майдонни кўриб чиқамиз. Бу вектор майдоннинг оқими конформ акслантиришларни ҳосил қилади.

Юқоридаги (3.2.1) вектор майдоннинг $J^2(x_1, x_2, x_3, p_1, p_2, p_{11}, p_{12}, p_{22})$ фазодаги давоми қуйидаги кўринишга эга:

$$X^{(2)} = x_1 \frac{\partial}{\partial x_1} + x_2 \frac{\partial}{\partial x_2} + x_3 \frac{\partial}{\partial x_3} - p_{11} \frac{\partial}{\partial p_{11}} - p_{12} \frac{\partial}{\partial p_{12}} - p_{22} \frac{\partial}{\partial p_{22}}$$

Бу вектор майдон оқими

$$(x_1, x_2, x_3, p_1, p_2, p_{11}, p_{12}, p_{22}) \to (e^t x_1, e^t x_2, e^t x_3, p_1, p_2, e^{-t} p_{11}, e^{-t} p_{12}, e^{-t} p_{22})$$

кўринишда бўлади.

Энди $\varphi: R^3 \to R, \varphi(x_1, x_2, x_3) = f(x_1, x_2) - x_3$ субмерсияни кўриб чиқамиз. Бу субмерсиянинг сатҳ тўпламлари ошкор функция ёрдамида берилган $L_c = \{(x_1, x_2, x_3) \in R^3 : x_3 = f(x_1, x_2) - c\}$ регуляр сиртни ташкил этади.

Теорема 3.2.1. $\varphi: R^3 \to R, \varphi(x_1, x_2, x_3) = f(x_1, x_2) - x_3$ субмерсиянинг сатҳ тўпламлари бош йўналишлари (3.2.1) вектор майдон оқими ҳосил қилган конформ акслантиришларда бош йўналишларга ўтади.

Теорема 3.2.2. $\varphi: R^3 \to R, \varphi(x_1, x_2, x_3) = f(x_1, x_2) - x_3$ субмерсиянинг сатҳ тўпламлари бош эгриликлари нисбати, (3.2.1) вектор майдон оқими ҳосил қилган конформ акслантиришлар группасига нисбатан иккинчи тартибли дифференциал инвариант бўлади.

Теорема 3.2.3. $\varphi: R^3 \to R, \varphi(x_1, x_2, x_3) = f(x_1, x_2) - x_3$ субмерсиянинг сатҳ тўпламлари асимптотик йўналишлари (3.2.1) вектор майдон оқими ҳосил қилган конформ акслантиришларда асимптотик йўналишларга ўтади.

ХУЛОСА

Диссертация субмерсияларнинг акслантиришлар группасига нисбатан дифференциал инвариантларини топишга бағишланган. Диссертация ишида олинган асосий натижалар қуйидагилардан иборат:

Ихтиёрий бир параметрли группанинг нолинчи тартибли дифференциал инвариантини билган ҳолда, юқори тартибли дифференциал инвариантини топиш усули келтирилган.

Секцион эгрили нолга тенг бўлган риман кўпхиллигида аниқланган риман субмерсияси ҳосил қилган қатлама, изометрик қатламли, тўла геодезик риман қатламаси бўлиши исботланган.

Метрик функциянинг сатҳ тўпламлари ўзаро конформ эквивалент эканлиги кўрсатилган.

Субмерсиянинг Минковский фазосининг ҳаракатлари группасига нисбатан иккинчи тартибли дифференциал инвариантлари топилган.

Конформ вектор майдон оқими ҳосил қилган акслантиришда, субмерсиянинг сатх тўплами бош йўналишлари яна бош йўналишларга ўтиши исботланган.

Конформ вектор майдон оқими ҳосил қилган акслантиришлар группасига нисбатан, субмерсиянинг сатҳ тўплами бош эгриликлари нисбати субмерсиянинг иккинчи тартибли дифференциал инварианти бўлиши исботланган.

Конформ вектор майдон оқими ҳосил қилган акслантиришда, субмерсиянинг сатҳ тўплами асимптотик йўналиши яна асимптотик йўналишга ўтиши исботланган.

Диссертация ишидаги барча натижалар янги ҳисобланади ва улардан вектор майдонлар назариясида, қатламалар назариясида, риман субмерсиялари геометриясида ва замонавий геометриянинг бошқа бўлимларида олиб бориладиган тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Муаллиф илмий раҳбари профессор Абдигаппар Якубович Нармановга муаммоларнинг қўйилиши ва уларни муҳокама қилишда доимий фойдали маслаҳатлари ва кўрсатмалари учун ўзининг чуқур миннатдорлигини билдиради.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.03/30.12.2019.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ШАРИПОВ ХУРШИД ФАЗЛИДДИНОВИЧ

ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫЕ ИНВАРИАНТЫ СУБМЕРСИЙ ОТНОСИТЕЛЬНО ГРУПП ПРЕОБРАЗОВАНИЙ

01.01.04 – Геометрия и топология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ФИЗИКО – МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТОШКЕНТ–2021 год

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/FM227.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени М. Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-fizmat@nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Нарманов Абдигаппар Якубович**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мищенко Александр Сергеевич**
доктор физико-математических наук
Рахимов Абдугофур абдумажидович
доктор физико-математических наук

Ведущая организация: **Националный исследовательский ядерный университет «МИФИ» филиалв городе Ташкенте.**

Защита диссертации состоится «____» _____________2021 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана. (адрес: 100174, г. Ташкент, алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №_____). (адрес: 100174, г. Ташкент, алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

автореферат диссертации разослан «___» _______________2021 года.

(протокол рассылки №________ от «____» _______________2021 года).

А.Садуллаев
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор, академик

Н.К.Мамадалиев
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, Ph.D.

Р.Б.Бешимов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многочисленные научные и практические исследования, проводимые в области фундаментальных и прикладных наук в мировом уровне, используют геометрические методы, в том числе методы и результаты теории дифференциальных инвариантов. В Эрлангенской программе Феликс Клейн предложил единый подход к описанию различных геометрий. Согласно этой программе, одной из основных задач геометрии является построение инвариантов геометрических объектов относительно действия группы, определяющей эту геометрию. Поэтому нахождение инвариантов однопараметрической группы, нахождение дифференциальных инвариантов субмерсии относительно групп преобразований имеют важное значение в геометрии и топологии.

В мире проводится научные исследования по изучению дифференциальных инвариантов субмерсий, одной из актуальных проблем дифференциальной геометрии и теории дифференциальных инвариантов. Концепция дифференциального инварианта, наряду с концепцией инвариантного дифференцирования, занимает центральное место в современной геометрии. Дифференцируемые отображения максимального ранга играют важную роль в различных разделах математики, в частности в римановой геометрии. В связи с этим особое внимание уделяется классификации геометрии субмерсий, которая является важным классом дифференцируемых отображений максимально ранга, нахождению инвариантов однопараметрических групп преобразований, нахождению дифференциальных инвариантов субмерсий относительно группы преобразований.

В нашей стране особое внимание уделяется актуальным аспектам геометрии и топологии, которые имеют научные и практические применения в фундаментальных науках. В частности, в последние годы дифференциальная геометрия как древний основоположник современной математики достигла значительных результатов в решении задач современной математики. Проведение научных исследований по приоритетным направлениям математики наук на уровне международных стандартов по важным направлениям специальности «алгебра, теория динамических систем, геометрия и топология и т.д.» рассматривается как важная задача фундаментальных исследований [2]. В связи с этимпредставляется важным наахожление дифференциальные инварианты группы преобразований и дифференциальные инварианты субмерсий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, указанных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно исследовательских учреждений академии наук Республики Узбекистан»

дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института Математики имени В.И. Романовского академии Наук Республики Узбекистан» и ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах образования и развитию нучных исследований в области математики», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

